

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2022 йил 01 мартдаги 71-сонли
буйруғига 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати

1 боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари (*кейинги ўринларда – Соғлиқни сақлаш вазирлиги*)да ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, яъни ходимлар ва умуман жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш мақсадида юксак хулқ-автор стандартларига мувофиқлик, шунингдек лавозим (*хизмат*) мажбуриятларини бажариш чоғида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймасликка доир позициясини ифодалайди.

2. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “*Коррупцияга қарши кураш тўғрисида*”ги Конуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “*Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиши тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*”ги, 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон “*Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаши, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*”ги фармонлари, 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон “*Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиши тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон “*Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаши тўғрисида*”ги қарорига мувофиқ коррупцияга қарши кураш соҳасидаги халқаро ташкилотлар тавсиялари ва илғор дунё тажрибаси, жумладан ISO 37001:2016 “*Коррупцияга қарши кураш менежменти тизими – Талаблар ва уларни қўллашга доир тавсиялар*” халқаро стандарти талаблари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги сиёсатни ўз фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб қабул қиласди, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-ҳатар ҳамда

мавжуд ресурслар асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз механизмларини ишлаб чиқади ва жорий этади.

4. Қўйидагилар Соғлиқни сақлаш вазирлиги коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсади хисобланади:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва коррупцияга қарши курашишга доир ички хужжатлар талабларини тушуниш ва уларга риоя этиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлигига коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга барҳам бериш;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳолининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолияти юзасидан ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари фаолиятининг шаффофлиги ва хулқ-атвор меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш;

коррупциявий ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш;

Соғлиқни сақлаш вазирлигига мавжуд коррупцияга барҳам бериш.

5. Мазкур Сиёсат талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган функциясидан қатъий назар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча ходимлари учун бирдек амал қиласди.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлигига ишга кираётган ҳар қандай шахс мазкур Сиёсат билан имзо чеккан ҳолда танишишлари, унинг қонун-қоидаларига риоя қилишлари лозим.

7. Мазкур Сиёсатнинг мақсадлари учун қўйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

алоқадор шахслар - Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

давлат органлари ва муассасалари – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари (*жумладан, вазирликлар, хизматлар, агентлик, марказлар ва бошқа идоралар*) ва уларнинг

таркибий бўлинмалари, шунингдек давлат томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган юридик шахслар;

иш фаолияти юзасидан меҳмондўстлик белгилари – учинчи шахсларнинг ҳамкорлик ўрнатиш ёки уни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларининг содиқлигини оширишга қаратилган, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари манфаатлари йўлидаги ҳаражатлари, жумладан учинчи шахсларнинг овқатланиши, иш фаолияти юзасидан тушликлар ташкил этилиши билан боғлиқ ҳаражатлари, транспорт ҳаражатлари, яшаш, кўнгилочар тадбирлар, жумладан саёҳат дастурлари билан боғлиқ ҳаражатлар ва х.к.;

контрагент – Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан шартномавий муносабатларга киришган (*меҳнат муносабатлари бундан мустасно*) ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равища тақдим этиши;

коррупциявий хавф-хатар – Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги номидан ёки уларнинг манфаатлари йўлида коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш хавфи;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий хуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ёки олиш ёхуд бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (*пора олиши*) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупциявий хуқуқбузарлик – содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик белгилаб қўйилган коррупция аломатларига эга ҳатти-ҳаракат;

комплаенс хизмати – Соғлиқни сақлаш вазирлигига коррупцияга қарши курашиш вазифаси юклangan таркибий тузилма;

коррупцияга қарши курашиш тизими – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш

масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва хулқатвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

кронизм (*фаворитизмнинг дўстона алоқаларга асосланган кўринини*) – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият ёки обрўсидан фойдаланиш;

мансабдор шахс - доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъий назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.

манфаатлар тўқнашуви — Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимининг шахсий (*бевосита ёки билвосита*) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

маҳаллийчилик – маҳаллий манфаатларнигина қўзлаб иш тутиш. Бунда, шахсни унинг наслий келиб чиқиши (*аслизода ёки машҳур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги*) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

непотизм (*таниш-билишчилик, қариндоши-уругчилик; фаворитизмнинг қариндошлик ришиналарига асосланган кўринини*) - ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ҳамда (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатлари заарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар – белгиланган тартиб-таомиллар ёки ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ стандарт

тартиблар амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда тутилмаган ноқонуний равища тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкий ҳуқуклар, хизматлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий фойда;

урӯғ-аймоқчилик – Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва нохолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

фаворитизм – Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходими бошқа шахс ва (ёки) шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ёки бир гуруҳ шахслар манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, Соғлиқни сақлаш вазирлигига кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сиҳатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишида кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қиласли.

хайрия (хайрия ёрдами) – юридик ва жисмоний шахслар (*хайрия қилувчилар*)нинг ташкилот учун бепул ёки имтиёзлар асосида моддий ёки номоддий бойликлар, хусусан, пул маблағлари шаклидаги бойликларни топшириш, улар учун маълум ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларида бошқа қўллаб-қувватлашларни тақдим этишида намоён бўладиган ихтиёрий беғараз ёрдами;

халқаро ташкилот – давлатлар, ҳукуматлар ёки бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ташкилий шакли ва ваколатларидан қатъий назар ташкил этилган ҳар қандай халқаро ташкилот, жумладан, масалан иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилотлар.

ходим – Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан меҳнат муносабатларига киришган жисмоний шахс;

ҳомийлик (ҳомийлик ёрдами) – юридик ва жисмоний шахслар (*ҳомийлар*) томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги (*ҳомийлик қилинаётган муассасалар*)га улар учун ишлар бажариб бериш, хизматлар кўрсатиш ва ҳайрия мақсадларида бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш, мол-мулк, жумладан пул маблағлари тақдим этиш билан ифодаланадиган ёрдами ҳисобланиб, уларнинг натижасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасаларида ҳомий олдида ўзаро мажбуриятлар юзага келади;

шафелик – Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёқлаб ёнини олиши;

яқин қариндошлар – бир-бирига қариндошлик ёки яқин алокаси бор шахслар, яъни ота-она, туғишган ҳамда тутинган ака-укалар ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар (*жумладан асраб олинган фарзандлар*), бувалар, бувилар, набиралар, шунингдек эр (хотин)нинг ота-онаси, туғишган ва тутинган ака-укалари ва опа-сингиллари.

2 боб. Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари

8. Коррупцияга қарши кураш тизими қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади:

қонунийлик - Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича илфор дунё тажрибаси, шунингдек Соғлиқни сақлаш вазирлиги ички хужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади;

коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) - Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари

ва кўринишларига муросасиз (*тоқатсиз*) муносабатда бўлади Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳодимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш қатъиян тақиқланади;

очиқлик ва шаффофлик - Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳодимлари ва контрагентлари, кенг жамоатчиликни Соғлиқни сақлаш вазирлигига қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилиш (*маҳфийлик ва хизмат сири тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда*);

коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентив хусусиятга эга бўлиши, тизимлилиги ва яхлитлиги - коррупциянинг олдини олиш, коррупциявий ҳаракатларнинг содир этилишига хизмат қилувчи сабаб ва шарт-шароитлар ҳамда коррупциявий хатарларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг устуворлиги. Коррупцияга қарши жорий этилаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мос келиши ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча функциялари ва йўналишларини қамраб олган коррупцияга қарши курашиш тизимиға бирлаштирилиши;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги - коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари ўзининг мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади;

илмий-техник тараққиёт ютуқлари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш - Соғлиқни сақлаш вазирлиги коррупцияга қарши кураш тизимини шакллантиришда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот-коммуникация тизимларидан кенг фойдаланишга интилади;

тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги тнинг ҳар бир ходими коррупциявий ҳаракат содир этилганлигига доир ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ички ҳужжатларида кўзда тутилган чора-тадбирларни қабул қилиш учун худудий бошқарма ёки унинг тасарруфидаги муассаса раҳбари ҳамда ташкилот раҳбарига ҳеч қандай тўсиқсиз мурожаат қилиши мумкин;

фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорли - Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўзига юклатилган функцияларни бажаришда уларнинг фаолияти устидан мустақил ва холис назоратни амалга ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакилларини жалб қиласди;

мониторинг, таҳлил ва баҳолаш: Соғлиқни сақлаш вазирлиги даврий асосда коррупцияга қарши қурашиш тизими фаолияти мониторинги ва таҳлилини амалга оширади, шунингдек унинг самарадорлик ва натижадорлик кўрсаткичларини баҳолайди.

коррупцияга қарши қурашиш тизимини доимий равища тақомиллаштириш - коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши қурашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигига коррупцияга қарши қурашиш самарадорлигини тўхтовсиз равища ошириш чоралари кўрилади.

З боб. Коррупцияга қарши қурашишнинг асосий йўналишлари

1-§. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари ўз лавозим мажбуриятларини ҳалол ва вижданан бажариши, ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги мол-мулклардан шахсий манфаатдорлик

йўлида фойдаланмаслиги ва манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сақланиши лозим.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари ишга қабул қилинаётганда, лавозими кўтарилаётганда ва ротация қилинаётганда ҳар йили ва тегишли вазиятлар/шарт-шароитлар юзага келишига қараб манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигига доир ахборотни очиқлаши лозим.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ва уни тартибга солишга доир ахборотни очиқлаш жараёни Соғлиқни сақлаш вазирлиги да манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисида ички идоравий хужжатда белгилаб қўйилади.

12. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш учун самарали назорат тартиб-таомиллари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларининг учинчи шахслар билан ўзаро алоқаси рўй берадиган барча функцияларга жорий этилиши лозим (*масалан, танлов савдоларини ташкил қилиши, рейтингларни ҳисоблаши ва ҳ.к.*).

2-§. Иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш

13 Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариши доирасида жисмоний ва юридик шахслардан совғалар меҳмондўстлик белгилари, жумладан қарз, кафолатлар, кафиллик, мукофот, моддий ёрдам, нақд пулсиз ва нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари, қимматбаҳо қоғозлар, криптовалюта, бошқа моддий қадриятлар ёки хизматлар кўринишидаги рағбат воситаларини олиш тақиқланади.

Бунда, конференциялар, семинарлар ва турли шу каби учрашувларда тақдим этиладиган умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан ошмайдиган буюмлар бундан мустасно ҳисобланади.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлигига ички коррупциянинг олдини олиш мақсадида ходимлар ўртасида хизмат мажбуриятларини қабул қилиш билан боғлиқ бўлмаган ва ходим шахси билан боғлиқ деб эътироф этилган совғаларни беришда қуйидагиларга риоя қилинади:

совға олувчи учун манфаатлар тўқнашуви вазиятини келтириб чиқармаслиги ва совға берувчи олдида бирор-бир мажбуриятларни юзага келтирмаслиги лозим;

совға очиқ-ойдин берилади, совға берилаётгани яширилмайди;

совғани фақат умумэътироф этилган байрамлар (*таваллуд айёми, фарзанд тугилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва ҳ.к*) муносабати билан беришга рухсат этилади;

совғалар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг камида учта ходими иштирокида берилиши лозим;

совғани бериш чоғида совға бериш учун сабаб бўлган воқеа-ходиса аниқ баён этилади;

совғанинг умумий қиймати (*барча солиқ ва йигимлар билан бирга*) базавий хисоблаш микдорининг 5 (беш) баробаридан ошмаслиги лозим;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бир ходими иккинчи ходимга совға олиш учун сарфлайдиган сумма микдори ҳар ҳолатда базавий хисоблаш микдорининг 1 (бир) баробаридан ошмаслиги лозим.

15. Шубҳа (гумон)лардан ҳоли бўлиш учун ҳар қандай *байрамлар* (жумладан, лекин чекланмаган ҳолда тугилган кун, фарзанд тугилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва ҳ.к) муносабати билан мазкур Сиёсатнинг 13 ва 14-бандларида келтириб ўтилмаган бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, ҳамкорлар ва контрагентлар, бошқа жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган мазкур Сиёсатнинг 13-бандида санаб ўтилган совғалар ва моддий бойликлар олиш тақиқланади.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлиги номидан халқаро конференциялар, симпозиумлар ва бошқа иш юзасидан (*хизмат*) учрашувларида совғалар бериш раҳбар буйруғига кўра мувофиқ амалга оширилади.

17. Совға бериш, уни қабул қилишнинг қонунийлигига шубҳа туғилган тақдирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходими Соғлиқни сақлаш вазирлигига Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

3-§. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларининг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларининг халқаро ва бошқа ташкилотлар таклифига кўра иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирлари (*кўргазмалар, семинарлар, конференциялар ва ҳ.к.*)да иштирок этишига қуидаги шартларга риоя қилган тақдирда рухсат этилади:

тадбир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бошқа ички хужжатларига мос келса;

тадбир Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки таклиф этган томоннинг қонуний манфаатларига хизмат қилса;

тадбир Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қиласлиги, бирор-бир ноқонуний афзаликларни қўлга киритишни (*масалан, буюртмачиларга тадбирни ўтказаётган лойиҳа-тадқиқот ташкилотига мурожсаат қилишини тавсия қилиши*) кўзлаган яширин ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаслиги лозим;

Бундай тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор қилинган тақдирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва таклифни қабул қилувчи ёки таклиф этаётган томон мавқеи учун хатар туғдирмаслиги лозим;

Тадбир умумэътироф этилган илмий ва ишбилармонлик амалиётига мос келиши ҳамда кўнгилочар мазмундаги хусусият касб этмаслиги лозим;

Тадбир моҳияти ва қийматига кўра ўринли бўлиши, ҳаддан зиёд ҳашаматли, қиммат, ғайриодатий бўлмаслиги ва тез-тез тақрорланиб турмаслиги лозим.

19. Агар ишбилармонлик тадбирлари (*семинар, симпозиум, давра сұхбатлари ва ҳ.к.*) ташкилотчиси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўзи бўлса, у ҳолда бундай ишбилармонлик тадбири ушбу сиёsatда қайд этилган талабларга мос келиши лозим.

4-§. Кадрлар билан боғлиқ жараённи тартибга солиши (ходимларни танлаш, лавозимини ошириш, моддий разбатлантириши)

20. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш, жумладан мукофот, устамалар ва разбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш жараёни барча ходимлар учун шаффоғ, teng ҳуқуқли ва холис ҳисобланиб, мазкур Сиёsatнинг асосий тамойиллари ва талабларига мос келиши лозим.

21. Номзодларни Соғлиқни сақлаш вазирлигига танлаш ва тайинлаш жараёни Номзодларни ташкилотга қабул қилиш учун текшириш бўйича қўлланма ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бошқа ички хужжатларига, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартибига мувофиқ комплекс равища текшириш билан бирга амалга оширилади.

22. Соғлиқни сақлаш вазирлигига ходимларга оид масалаларда қарор қабул қилувчи ходимларнинг лавозимини оширганда, лавозимга тайинланганда, кадрлар заҳирасига қўшганда ва ҳ.к.ларда номзод (*ходим*)ларга ҳар қандай асоссиз имтиёзлар тақдим этиши тақиқланади.

23. Бўш лавозимларга саралаб олиш эгалланаётган лавозимга қўйиладиган талабларга мувофиқ танлов асосида ёки бошқа усул ёрдамида амалга оширилиши лозим. Бунда номзоднинг малакаси, касбий ва илмий ютуқларига асосий эътибор қаратилади.

24. Соғлиқни сақлаш вазирлигига ходимлар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилиши ва ходимлар унинг асосида рағбатлантирилиши лозим. Мазкур кўрсаткичлар холис, шаффоф ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари танишиб чиқиши учун очик бўлиши лозим.

5-§. Текширувлар ўтказиш ва давлат органлари ҳамда ташкилотлари фаолиятини ўрганиш

25. Турли текширувлар, ўрганишлар, мониторинг ўтказишида (*кейинги ўринларда – текширув обьектлари*) Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари:

манфаатлар тўқнашуви юзага келишига йўл қўймаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг обьекти текшируви, ўрганиши, мониторингини якка ўзи амалга оширмаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг обьектига ташриф буюрувчилар ёки уларнинг вакиллари ташкилот, унинг худудий ва таркибий бўлинмаларига шахсан ташриф буюрганда улар билан ёлғиз қолмаслиги;

йўл қўйилиши мумкин бўлган қоидабузарликларни сохталаштириш мақсадида текширув, ўрганиш ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, текширилаётган обьект ходимларини аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки бошқа давлат органларига топшириш билан қўрқитмаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг обьекти ходимларига таҳдид қилмаслиги;

хужжатларни сўраб олиш ва текширув, ўрганиш, мониторинг предметига кирмайдиган масалалар билан қизиқмаслиги лозим;

текширув, ўрганиш, мониторинг давомида аниқланган ҳар бир қоидабузарликнинг қонуний ва профессионал баҳоланишини таъминлаши;

қоидабузарликларнинг видео ёки фотоқайдини амалга ошириши (*ўрни келганда*), Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимларига қоидабузарликларга оид маълумотларни киритиши;

агар текширув, ўрганиш, мониторинг обьекти вакиллари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимига аниқланган қоидабузарликларни яшириш мақсадида пора ёки ҳар қандай моддий бойликлар ёки хизматлар тақдим

этаётган бўлса, бу ҳақида текширув бўйича ишчи гурӯҳ раҳбарига ва Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмасига зудлик билан хабар бериши;

текширув, ўрганиш, мониторинг объекти вакилларирига Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларининг хулқ-атвор тамойилларирига мувофиқ холис муносабатда бўлиши шарт.

26. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган текширувлар, ўрганишлар ва мониторинг натижалари юзасидан келиб тушган эътиrozларни кўриб чиқиш учун комиссия ташкил этилади.

6-§. Ваколатли давлат органлари, контрагентлар ва учинчи шахслар билан шаффоф ва самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш

27. Соғлиқни сақлаш вазирлиги мазкур Сиёsat тамойиллари ва талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларирига зид ҳар қандай тўловларни ёки ҳаракатларни амалга ошириш учун етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа учинчи шахсларни жалб қилмайди.

28. Контрагентлар билан муносабатларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонунийлик ва шаффофлик тамойилларирига амал қиласди.

29. Соғлиқни сақлаш вазирлигига обьектив мезонлардан фойдаланишга асосланган етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлашнинг ҳалол, очиқ ва шаффоф жараёни, шунингдек сотиб олинаётган товар ва хизматлар қийматини белгилашнинг шаффоф тартиби жорий этилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

30. Контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликда Соғлиқни сақлаш вазирлигига контрагентларни текшириш бўйича йўриқнома ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларирига мувофиқ потенциал контрагентнинг ишончлилиги, жумладан у ўтмишда коррупциявий фаолиятга жалб қилинган ёки қилинмаганлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади;

потенциал контрагент, жумладан харид тартиб-таомиллари ғолибини у билан шартнома матнига маҳсус коррупцияга қарши шартларни қўшиш орқали ўзининг коррупцияга қарши тамойил ва талаблари ҳақида хабардор қиласди.

31. Ваколатли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилинган (масалан, лицензия бериши, ихтисослаштирилган кенгаиларда иштирок этиши, турли ҳужжатлар, обьектларни келишишида ва ҳ.к) Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳужжатларни кўриб чиқишнинг шаффофлиги ва холислигини

таъминлайди ҳамда зарур ҳолларда мазкур давлат органлари томонидан салбий ва бошқа хулосаларга келиш сабаблари хусусида қўшимча маълумотларни талаб қиласди.

7-§. Хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффоф ва самарали жараёнини таъминлаш

32. Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул қилиши мумкин. Бундай ёрдамни олишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада қўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек хайрия ва ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида очиқлаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

33. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинаётган хайрия ёки ҳомийлик ёрдами яширин мукофот тарзида бўлмаслиги ва вазирликининг алоҳида ходимлари томонидан хайрия қилувчи ёки ҳомий, унинг яқин қариндошлари, уларга алоқадор шахслар, шунингдек хайрия қилувчи ёки ҳомийда уларга нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган шахслар фойдасига қарор қабул қилинишига таъсир қўрсатмаслиги лозим.

34. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олишда қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

хайрия қилувчи ёки ҳомий билан албатта шартнома тузиш ва унда хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари, ёрдам шакллари, ёрдамнинг пул ифодасидаги суммаси, хайрия қилувчи ёки ҳомий олдида келиб тушган ёрдамдан мақсадли фойдаланиш тўғрисида ҳисоб бериш усули белгилаб қўйилиши лозим;

бундай шартномага коррупцияга қарши шартларни киритиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида олинган хайрия ёки ҳомийлик ёрдамига доир ахборотни жойлаштириш.

8-§ Ички ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси

35. Ички ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказишида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг юридик хизмати коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун имконият яратувчи коррупциявий омиллар мавжудлиги ва уларни ҳужжатлардан чиқариб ташлаш мақсадида экспертиза ўтказади.

9-§ Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш

36. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари ўз функциялари ва лавозим мажбуриятларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади (*агар имкони мавжуд бўлса*).

37. Давлат харидлари доирасида танлов савдоларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари ахборот технологияларидан фойдаланади ва танлов савдолари иштирокчилари билан ўзаро алоқани электрон шаклда онлайн режимида бошқа электрон тизимлар билан интеграция қилиш имкониятини қўллаган ҳолда амалга оширади.

10-§ Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги фаолиятни видеоқайд қилиш ва унинг трансляцияси

38. Соғлиқни сақлаш вазирлиги биноларида ходимлар фаолиятини назорат қилиш мақсадида аудио ва видеоёзув камералари ўрнатилиб, улардаги ёзувлар масъул ходимлари томонидан кўриб борилади.

39. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Интернет тармоғидаги расмий сайтларида коррупция хавф-хатари юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляцияси жойлаштирилади (*хусусан, ходимлар билан суҳбат ўтказиш, уларни тестдан ўтказиш, комиссиялар ишгилишилари ва ҳ.к.*).

4 боб. Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари

1-§ Коррупцияга қарши курашиш бўйича муҳим ички хужжатлар мавжудлиги

40. Коррупцияга қарши курашиш тизими асосини:

мазкур Сиёsat;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларининг одоб-аҳлоқ қоидалари;

Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисидаги Низомда акс эттирилган тамойиллар ва талаблар ташкил этади.

41. Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлари ходимларга олий раҳбарлик намунасини кўрсатиши лозим.

42. Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари ва унинг ўринбосарлари, шунингдек ташкилот таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалол, одил ва

мустақил хулқ-атвор намунаси бўлиши ҳамда шу орқали уларда коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга ҳаракат қиласди.

43. Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари ва унинг ўринбосарлари, шунингдек ташкилот таркибий бўлинмалари раҳбарлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятининг хавф-хатар функциялари (*йўналишилари*)га коррупцияга қарши самарали чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни жорий этиш орқали коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини барпо этиш ва амалга оширишга нисбатан лидерликни намойиш қиласди.

2-§. Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш

44. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз фаолиятига хос коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкилий тузилмалар функцияларининг хусусияти, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро муносабатлар, шунингдек Соғлиқни сақлаш вазирлигига коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

45. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бир йилда бир мартадан кам бўлмаган вақтда ўтказилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг раҳбари томонидан кўриб чиқилади. Аниқланган хавф-хатарларни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши дастур ёки йўл хариталарида акс эттирилади.

3-§. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул

46. Соғлиқни сақлаш вазирлигига коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини шакллантириш учун алоҳида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ташкил этилади.

47. Соғлиқни сақлаш вазирлигига Комплаенс хизмати ўз фаолиятини Комплаенс хизмати тўғрисидаги низом асосида амалга оширади ва бевосита Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарига (*Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъатига*) бўйсунади.

48. Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари Комплаенс хизматини Соғлиқни сақлаш вазирлигига коррупцияга қарши вазифаларни амалга ошириши учун етарли даражадаги мустақиллик ва зарур ресурслар билан таъминлайди.

49. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кадрлар бошқармаси (*бўлимлари*) Соғлиқни сақлаш вазирлигига манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги

низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларида кўзда тутилган тартиб ва ҳажмда ходимларнинг яқин қариндошлари ва уларга алоқадор шахсларга доир маълумотларнинг тизимли ва ўз вақтида йиғилиши, таҳлил қилиниши ва актуаллаштирилиши учун жавоб беради.

50. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча муассасаларида алоҳида Одоб-аҳлоқ комиссиялари фаолият юритади.

51. Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги Одоб-аҳлоқ комиссиялари Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги ходимларнинг этик хулқ-атвор қоидалари билан белгиланган хулқ-атвор меъёрларига риоя қилиш масалаларини кўриб чиқади, шунингдек Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни тартибга солиш жараёнида иштирок этади.

4-§ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши сиёсати тўғрисида ходимлар ва учинчи шахсларнинг хабардорлигини таъминлаш

52. Соғлиқни сақлаш вазирлиги коррупциявий хавф-хатарларни қисқартириш ва жамият хабардорлигини ошириш мақсадида мазкур Сиёсат ва ўзлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш чоратадбирларга оид асосий ахборотларни расмий веб-сайтларида жойлаштиради.

53. Соғлиқни сақлаш вазирлиги барча куч ва имкониятларини ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларга қўйидагилар орқали, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги нормалари, шунингдек жорий этилган коррупцияга қарши тамойиллар, чора-тадбирлар ва талаблар тўғрисида хабар бериш ва уларни тушунтиришга сарфлайди:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти томонидан электрон манзил ва бошқа алоқа воситаси орқали вазирликда ходимлар томонидан коррупцияга қарши қабул қилинган нормалар ва талабларга риоя қилиниши мухим эканлигига доир доимий хабарлар юбориш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларини Соғлиқни сақлаш вазирлигига коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишига доир режага мувофиқ коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича мунтазам ва тизимли равиша бир йилда камидан бир марта ўқитилиши ҳамда тестдан ўтказилишини таъминлаш;

Янги ходимларни ишга қабул қилаётганда ушбу Сиёсат ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши курашишга доир бошқа ички хужжатлари билан албатта таништирган ҳолда, улар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбурий курсларни ташкил этиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупция хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши ўқитишнинг қўшимча дастурлари белгиланади. Ўтказилган ўқув курслари, тренингларга оид маълумотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Кадрлар бошқармасида сакланади;

мавзуга доир аудио ва видеороликлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш ва уларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хабардорлигини оширишга қаратилган бошқа ахборот материалларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши кампаниялар ташкил қилиш;

мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш ёки коррупцияга қарши чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар туғилганда, Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларига маслаҳатлар бериш;

тасдиқланган режа асосида Комплаенс хизмати томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги коррупцияга қарши хулқ-атворни фаол тарзда тарғиб қилиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритиш. Соғлиқни сақлаш вазирлиги мазкур Сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб Соғлиқни сақлаш вазирлигининг янги ходимлари билан тузиладиган, шунингдек шартларни қайта қўриб чиқиш доирасида ходимларнинг амалдаги меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши шартларни киритиш. Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб Соғлиқни сақлаш вазирлигининг янги контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга киритилади. Коррупцияга қарши шартлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча шартномаларига киритилади (*электрон дўкон, электрон аукцион орқали харид натижалари бўйича ва давлат табиий монополиялари (почта, электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, темир йўллари, ҳаво йўллари ва ҳ.к. билан тузиладиган шартномалар бундан мустасно*). Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат қабул қилинишидан олдин тузилган шартномаларга қайта қўриб чиқиш доирасида ёки ташаббусга кўра киритилади.

5-§ Мониторинг, назорат ва ҳисобдорлик

54. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул Соғлиқни сақлаш вазирлигига амалга оширилаётган коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг доимий мониторинги, назорати ва уларнинг самарадорлиги, етарлилиги ва мутаносибилигини баҳоланишини амалга оширади. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра Соғлиқни сақлаш вазирлигига коррупцияга қарши курашиш тизимини шакллантиришга доир тегишли чора-тадбирлар қабул қилинади.

55. Мониторинг ва назорат Соғлиқни сақлаш вазирлигига Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиётига ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

56. Комплаенс хизмати мониторинги қўйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолияти функциялари ва ўзига хос жиҳатлари, унинг ташкилий-функционал тузилмаси ҳамда бошқа ташқи ва ички омилларидаги ўзгаришларнинг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш тизими ва уни тўғирлаш зарурати, жумладан унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлигини таъминлашга таъсири таҳлили;

Ўзбекистон Республикасининг фаолиятида қўлланиладиган коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва ҳокимият органлари тавсияларининг мониторинги;

халқаро ва хорижий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимини яратиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларига доир тавсиялари мониторинги;

оммавий ахборот воситаларининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки ходимлари коррупциявий ҳаракатларга жалб қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Соғлиқни сақлаш вазирлиги контрагентлари ёки ҳамкорлари тўғрисида худди шундай маълумотлар мавжудлиги юзасидан мониторинг;

самарасиз назоратлар ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни такомиллаштириш ҳамда коррупцияга қарши тизим ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ички жараёнлари ва функцияларини мониторинг қилиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши дастури ёки йўл харитаси бандлари бажарилишининг тўлиқлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши талаблар ва жорий этилган тартиб-таомилларга риоя қилинишини текшириш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш.

57. Соғлиқни сақлаш вазирлигига коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлиги (*коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд эмаслиги*) коррупцияга қарши курашиш тизимини ички аудитини ўтказиш, жумладан Соғлиқни сақлаш вазирлигига белгиланган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини назорат қилиш орқали текширилади.

58. Коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш тадбирлари якунлари ва натижалари коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларида акс эттирилади. Ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларини шакллантириш ва тақдим этиш бўйича ички идоравий ҳужжатда мустаҳкамлаб қўйилади.

6-§. Жавобгарлик

59. Мазкур Сиёсатга мос келиш ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши талаблари ва тартиб-таомилларига риоя қилиш ҳар бир ходимнинг ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасидаги мажбурияти ҳисобланади. Ходимлар мазкур Сиёсат ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бошқа ички ҳужжатларида белгилаб қўйилган коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид талаблар ва тартиб-таомилларни бузганлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

60. Коррупцияга нисбатан муросасизлик (*тоқатсизлик*) тамойилига амал қилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча ходимларига бевосита ёки билвосита, шахсан ёки воситачилар орқали ҳар қандай коррупциявий ҳаракатларда иштирок этиш қатъиян ман этилади, яъни:

ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек хизмат мавқеи ва ваколатларини суистеъмол қилиш мақсадида ҳар қандай шахслардан ноқонуний фойда талаб қилиш, сўраб олиш ёки сўраш, олишга розилик бериш ёки олиш, шунингдек ходим томонидан ўз лавозим мавқеидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қонуний манфаатларига зид равища, жумладан ўзи ва учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида ноқонуний фойдаланиш;

давлатнинг мансабдор шахси ёки бошқа ҳар қандай шахсга унинг ҳаракатларига таъсир ўтказиш (*ҳаракатсизлигини таъминлаш*) ёки шахс,

жумладан Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатлари йўлида ноқонуний афзалликларни қўлга киритиш мақсадида лавозим мажбуриятларини ноқонуний тарзда бажаришга ундаш, ноқонуний фойда (*pora, пораҳурлик*)ни таклиф қилиш, ваъда бериш, бунга ижозат бериш, тақдим этиш;

расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;

пораҳурлик ёки тижорий пора олишда воситачилик қилиш, жумладан пора олувчига ноқонуний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар ўртасида ноқонуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларининг коррупция белгилари мавжуд бўлган ёки уни содир этиш, жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат қилувчи бошқа ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.

61. Ходимлар ўз раҳбари ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларига уларни коррупциявий ҳаракатларини содир этишга ундаш мақсадида мурожаат қилган шахслар билан боғлик, шунингдек уларга маълум бўлган бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид барча ҳолатлар тўғрисида хабар бериши лозим.

62. Коррупцияга нисбатан муросасизлик (*тоқатсизлик*) тамойилини ҳисобга олган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлигига ходимлар томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилганлигига доир ҳар бир асосли гумон бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига хизмат текширувларини ўтказиш бўйича регламент ва бошқа ички ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ хизмат текшируви ўтказилади.

63. Мазкур Сиёsat, коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ёки Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бошқа ички ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларни бузган Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ички ҳужжатлари доирасида ва уларда кўзда тутилган асослар бўйича жавобгарликка тортилади.

64. Коррупциявий ҳаракатлар аниқланган тақдирда Комплаенс хизмати уларни юзага келиш сабаблари ва имкониятларини таҳлил қиласида ва доимий равищда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиради.

65. Ички текширувлар натижалари доимий равишда раҳбарга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъати ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарларига тақдим этилади.

66. Соғлиқни сақлаш вазирлиги коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тергов қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилади.

6 боб. Коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар

67. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларининг ҳаракатлари қонунийлиги ёки этикага мослиги юзасидан шубҳа, коррупциявий ҳаракатлар ёки бошқа қоидабузарликлар билан боғлиқ тахминлар ёки содир этилганлигига оид асосли гумонлар юзага келган тақдирда улар ҳақида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг умумфойдаланувидаги алоқа каналлари орқали очиқ хабар берилиши мумкин.

68. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарликка оид асосли ахборотни тақдим этган шахсга доир маълумотлар махфийлигини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

69. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ходимлари манфаатларини ҳимоя қиласди ва бошқа ходимларнинг шубҳали хулқ-атвори ёки мазкур Сиёсатнинг коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилган бўлиши мумкинлиги ҳақида вижданан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини тушириш, дискриминация, зулм ўтказиш, таъқиб қилиш сингари ўч олиш ҳаракатларига йўл қўйилмаслигини кафолатлади.

70. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг алоқа каналлари орқали келиб тушган барча хабарлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқишига оид ички хужжатлар ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бошқа ички хужжатларига мувофиқ ўз вақтида ва холисона кўриб чиқилади.

71. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари томонидан атайлаб ёлғон хабар юбориш мазкур Сиёсат талабларини бузиш ва этикага зид хулқ-атвор намунаси сифатида баҳоланади, бу ҳақида хабар берган шахс эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ички меъёрий хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

7 боб. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгаришлар киритиш тартиби

72. Мазкур Сиёсат қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва ўзгаришлар киртилиши мумкин:

мавжуд коррупцияга қарши сиёсатлар ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирувчи Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчилиги ўзгарганда;

коррупцияга қарши самарасиз назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари аниқланганда, шунингдек Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати юзага келганда;